

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан № 234 (6.723) 1988 йил 13 октябрь, пайшанба Баҳоқс 3 трийн

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси навбатдаги мажлисида мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни қишга асраш учун гамлашнинг аҳоли тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисида бу йил аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий илҳомий ўзгаришларга эришилгани йўқ, деб таъкидланди «Ташплоодоовшпром» бирлашмаси, район улгуржи-чакана савдо идоралари, қайтадан ташкил этилган «Тошкент» агро-савдо фирмаси аҳолини экин маҳсулотлари билан таъминлашнинг мавжуд икониятларидан фойдалана олмайди.

Қатор базалар, омборлар, магазин мурдорларнинг имиллаши, айрим ҳолларда тўғридан-тўғри қаршиллик кўрсатиши натижасида мавжуд маҳсулотлар ҳам харидорларга етиб бормайпти. Сабзавотлар айни етидан бир пайтда савдода помидорлар, бақлажонлар, бодринг, кўкатлар, саримсоқ, тўрт, шолғом, сабзи, қарам бўлгани йўқ, мева ва полиз маҳсулотлари савдоси қониқарсиз ташкил этилди.

Колхоз ва совхозларда ресурслар етарли даражада бўлишига қарамай, қишга асраш учун қарам, сабзи, помидор, турп, шолғом, анор, беҳи, полиз маҳсулотларини гамлаш ҳали ҳам бошланган йўл. Киров, Октябрь, Собир Раҳимов районларининг аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминловчи «Тошкент» агро-савдо фирмасида пландаги 24,4 минг тонна ўрнига 3,7 минг тонна сабзавот, 204 тонна узум, 247 тонна мева, 601 тонна полиз маҳсулотлари гамланган.

Бу тошқиранинг қарбоби 10—15 процентини ташкил этади, қолдиқ Ману ух йилдирки, сабзавотларни тузлаш ва ачитиб бўйича планлар бажарилмапти, идишларнинг 90 проценти бўш ётибди, маҳсулотларни консервловчи кооперативлар ташкил этилмаган, мармелад деҳи ва мева-сабзавот комбинатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи қувватлар қурилиши тугалланган эмас.

«Ташплоодоовшпром» бирлашмаси раҳбарлари шойиқили равишда қатъиятлик чора-тадбирлар кўриши ўрнига бир чеккада қузатувчи бўлиб туришибди, бошқарув структурасининг ўзгаришини қутутишти, аслини олганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш масалалари билан, бирлашгани ривожлантириш истиқбол билан шуғулланиши қўйди.

Савдо Бюро бошқармаси, умумий овқатлаш Бюро бошқармаси корхоналарида, авиация бирлашмаси ва туқимачилик комбинатининг ишчилар таъминоти бўлим ва бошқармаларида, ишчилар овқатлаш бўлимларида маҳсулотларни гамлаш ва улар билан савдо қилиш суст амалга оширилмоқда.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари йирик sanoat корхоналари, ташкилотлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти барҳам беришга, уларнинг куч-қайратини ишчи ва хизматчилар тўғрисида гамхўрлик қилишга сафарбар эта олмайди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари томонидан назорат бўш бўлганлиги сабабли Ленин, Куйбишев ва Қамза районларида шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг қарориде белгиланган сабзавот омборхоналари қурилиши ниҳоятда сустхаллик билан олиб борилмоқда. 5-мева сабзавот комбинати қурилиши ҳам етарли даражада жадал олиб борилмапти.

Об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли РСФСР областларидан картошка келтириш ва уни гамлашда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Айни шундай бир пайтда келтирилган картошкани талон-тарож қилиш, беҳуда сарflash, қонунга хилоф равишда реализация қилиш, шаҳар ва республикадан ташқарига чиқариши ҳождлари рўй бериб турибди.

Тошкент областининг Ўстоналик ва Охангорон районлари хўжалиқларидан картошка ташиб келтириш ва гамлаш қониқарсиз ташкил этилган.

Бюро «Ташплоодоовшпром» бирлашмасига (Ф. Б. Тимофеева) маҳсулотларини тайёрлаш, айниқса қишга асраш учун гамлаш масалаларига ўз муносабини тубдан қайта қурилиши тавсия этиди ва гамланган маҳсулотлари пухта асраш юзасидан атрофда чора-тадбирларни қўриши вазифасини юкляди.

Бюро оператив раҳбарлигини кўзлаб, район ижроия комитетлари ҳузурда барча тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи доимий ишчилар гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Бюро Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига савдо ташкилотлари билан бирлашган мева-сабзавот маҳсулотларини гамлаш учун қўшимча ресурсларни қидириб топиши, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка билан узлуқсиз таъминлашни топишиди. Район ижроия комитетлари ва савдо ташкилотларининг партия ташкилотлари мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини тайёрлаш ва қишга гамлаш планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни қўришни тақдиф қилди.

Бюро КПСС аъзолари — шаҳар халқ контроли комитетининг раси Х. Камолова ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Кляпушевскийга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёрлигини ва қишга гамлаб қўйилишининг бориши устидан назоратни ниҳоятда қучайтиришни топширди. Улар барча маҳсулотларининг, айниқса картошка ресурсларининг пухта сақланиши юзасидан чора-тадбирларни қўришлар, ресурсларни ташиб кетиш ва талон-тарож қилиш йўлидаги барча уринишларнинг олдини олишлари керак.

Пахтакорга мадакормиз!

Студентлар кўмаги

«Оқ олтин» — Ватанга!

Table with columns for region (oblastlar), republic, and percentage of cotton production.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Бир аёлнинг бахти

Унинг иши ҳар кун эрта тондан — деярли бир хил бўллади. Барча аёлларники каби. Турати, ювинади, нукушта тайёрлайди. Турмуш ўртоғи ишга, болалар мактабга бориши керак. Ўзи ҳам йўлга чиқиб ташвишдан олустано эмас.

Дарҳақиқат, ушбу бирлашмада меҳнат қилишини ўзи бўлмайди. Машаққатини шу ерда ух кун турккан ишчи билади. Қунига ўйлаб деталлар ишчиининг моҳир қўлларидан ўтади.

Актив фан нуқтаи назаридан

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига даврий нашрларни етказиб беришни янада ахишлаш ва газета-журнал ишлаб чиқариши моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Марказизланишда

Тошкент шаҳар комсомол комитети ҳузурда ташкил этилган «Ритм» илмий-техника ишондорлиги маркази чинкам изланиш даргоҳларидан бири саналади.

Бажарилётган буюртмалар орасида нефть ва газ sanoatига доир муҳим телмалар учун бор. «Ритм» аъзолари нефть ва газ конларини аниқлаш бўйича янги методларни ишлаб чиқишга киришди.

Сўнги
КОСАТЛАР ВА
МАРКЗИЙ МАТБУОТ
САҲФАЛАРИДА
ПАРИЖ. Бу ерда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди.

Маълумки, шахримизда ўйлаб йирик саноат корхоналари ишлаб турибди. Уларда эса энгиллаб ишчилар меҳнат қилишади. Меҳнаткашларнинг қаддоқ қўллари халқ хўжалигига зарур техника, қишлоқ аҳлига турли тракторлар етказиб беради. Улар осонлик билан бўлмади. Унинг замирида машаққатли меҳнат ётибди. Дастгоҳ ёнида саккиз соат турни машаққатини ишлаган билади. Лекин унинг ўзи бўлмади. У ишчилар кўп куч, билим, ғайрат талаб этади. Сменадан ҳориб чиққач иририб дам олгиси келади. Чунки эртага яна ишга бориши керак. Қайси корхонада дам олиш ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса уша ерда меҳнат унуми баракали, кишиларнинг саломатини мустаҳкам бўлади. «Средазабель» бирлашмаси меҳнаткашлари ишлаб чиқаришда катта ютуқлари кўлга киритганимизда, Муваффақият эса ўз ўзидан келмайди. Бунинг учун инсон омилга, саломатлигига эътибор зарур.

Катта коллективда ҳар бир ишчининг спорт билан шуғулланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. У ерда олиб борилаётган тадбирлар диққатга сазовор. Яқинда у ерда бўлганимизда бирлашма спорт комплексининг директори Борис Владимирович Уртенков кўп нарсани гапириб берди.

— Булмася — аввал спорт комплекси бора қолмади, — таклиф қилди у. — Минг оштангадан, бир марта кўрган афзал дейдилар. Кейин у ёнига таппаша-перамна.

— Ҳозир бизда баскетбол, волейбол секциялари ишлаб турибди, — деди директор, қилинмоқда экан. Отиш тири кенгайтирилибди, югуриш йўлчалари қайтадан, жиҳозланяпти. Стадионни беаш ишлари нйҳонсига етай деб қилибди. — Ҳозир бизда баскетбол, волейбол секциялари ишлаб турибди, — деди директор.

Унга қатнашувчилар кўпчилигини ташкил этади. Ҳозирча у Пушкин номида 113 ўрта мактабнинг спорт залида фаолият кўрсатапти. Кичинтойларни ҳам болаликдан қириқтириб бориш мақсадида болалар шахарчасини қуряпти.

«Саломатлик клуби»да нафақат бирлашмани ишчилари, шунингдек Ўзбекистон ССР Фаллар Академиясининг аспирантлари, мактаб ўқувчилари ва шу ерда истиқомат қилувчилар ҳам шу тулланишади. Футбол секциясининг ўсида, еттигата группада машғулотлар ўтказилапти. Бу етти команда шахар мусобақалирида яхши қатнашмоқда.

Шуниси қувончлики коллективимиз аъзолари кенглик вақтларда шахар ва район мусобақалирида спортнинг кўпгина турли муваффақиятли иштирок этишяпти. Футболчиларимиз шахар биринчилигида иккинчи, шашкачи ва шахматчиларимиз учинчи бўлишди. Отиш бўйича ўтказилган Касаба


«Союзлари Совети биринчилигида» иккинчи ўринни олишди.

— Ютуқларимиз ҳам йўқ эмас, — давом этди Борис Владимирович. — Кўп нарсая муаммоларни ҳал этишга қараб турибди. Спорт анжумалари сифати яхши эмас. Кўпга чидамайди.

Ҳақиқатан ҳам магазиндан олаётган молларимизнинг сифати жуда ёмон, — дея сўхбатта қўшилди тренер Д. Пастухов. Уч ойга бормаи йириштириб, ўқилиб кетяпти. У ўрнида «Малика» ва Топшкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳам эътирозимиз бор.

Туя гўштини еган қурилича бир қаранг. Бу бизнинг бирлашмамиз учун қурилатган бино, Уни 4-қурилиш трестининг 6-қурилиш бошқармаси азаматлари қуришяпти. Агар биз теароқ тошхирилса қишда ҳам анча ишларни амалга ошириш мумкин бўларди.

Дарҳақиқат, ҳозир шахри



мида инсон саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берилляпти. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлирида спорт иншоотлари қуриляпти, болари замон талабига мослаб қайта жиҳозланяпти. Одамга биринчи нафбатда соғлиқ керак. Бу борада «Средазабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўзга кўриняпти ишлар амалга оширилляпти. Лекин бу ҳаммаси яхши дегани эмас. Албат эмас, янги бино ишга тушса асосий муаммага чек қўйляди.

Ичкиликбиланнинг, бекорчиликнинг олдинки олиннининг энг яхши йўли шу.

М. АБДУЛЛАЕВ.

© СУРАТДА: теннис билан шуғулланиш кншига рудий тетиқлиги, қаққонлиги, мустаҳкам саломатлик бахши этади.

Р. Шарипов фотоси.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Балиқли таом мазали, тўйимли ва фойдалидир

Ундан байрам кунлари ҳам, бегим кунларда ҳам совуқ газан сифатида, иссиқ таом сифатида фойдаланса бўлади.

Балиқ туфайли дастурхонингиз рангбаранг бўлади, у фойдали ва тўйимли маҳсулот. Витаминларга, ёғ ва оқсилларга бой бўлганлиги учун бўлса керак, уни етти хазинанинг бири ҳисоблашади.

Ҳозир магазинларда, айниқса, дўнпешона балиқдан мўл. Дўнпешона балиқдан тайерланган, таомларни иссиқ ва совуқ турли гарнирлар — қовурилган ва сувда пиширилган нарточка, сархил ва маринадланган сабавотлар билан тортилади. Агар унга майоне, дориворлар, кўк укроп ёки петрушка қўшилса, балиқни таом янада тўйимли бўлади, иштахани очади.

ДўНПЕШОНА БАЛИҚДАН КОТЛЕТЛАР, ДУЛМАЛАР, ВРАЗИ,

Унга гарнир тарйқасида нарточка бўтқаси тортиласа яхши. Дастурхонга тортишдан олдин котлетлар устига эритилган сарёб қуйиш лозим, сўнгра таомни кўк петрушка ёки укроп билан безатиш.

ДўНПЕШОНА БАЛИҚНИ СЕРГЕЛИ РАЙИШЧЕТОРНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН:

1-Магазин — Спутник массиви, Марказ—3 квартал, соат 8 дан 20 гача ишляйди;

2-«Феруза» магазини — Спутник массиви, 6-квартал, иш вақти соат 8 дан 20 гача;

4-Магазин — Спутник массиви, 16-квартал, 69-уй, иш вақти соат 8 дан 20 гача;

9-Магазин — Қўйлиқ массиви, 6, иш вақти — соат 8 дан 21 гача.

УШБУ МАГАЗИНЛАРГА ТАШИРФ БУЮРГАНДА МИНТАЙ, САЛАКА ВА СЕЛЪД ИВАСИДАН ТАЙЕРЛАНГАН КОНСЕРВАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ. СЕРГЕЛИ РАЙИШЧЕТОРГИ 58-99-74.

Бу—қизиқ


Фиръавнлар сири

Яқин-яқингача «мисршунос» ва «хазиналар овчиси» сўзлари синонимлар сифатида тушунилар эди. Буғун эса тадриқотчиларнинг янги авлоди ана шу хазиналарни тилга киритиш ниятида, уларни хавф-хатардан ҳимоя қилмоқчи.

Мисрда «ер юзидаги ҳамма нарсая вақт олдда ожиз, бундан нафақат эхромларига истисно» дейишни яхши қўришади. Уларнинг фикрига қўшилмай илож йўқ. Утмишнинг ана шу улкан ёдгорлиқларига қизиқиш яндалан-йилга кучайиб бораляпти, улар ҳали жуда кўп сирларни сақлашади. Ҳар сафар навбатдаги сир очилганидан сўнг, бошца жумбоқ қолмаганде туюлади. Шунга қарамай, Миср эхромлари, шақшубҳасиз, ҳали узоқ вақт топишмоқлар, сирлар ва мислсиз гипотезаларнинг туганмас манбаи бўлиб қолаверяди.

Француз ва япон археологлари улкан Хеопс эхромининг тош қаърида бўшлиқлар борлигини топганликлари сўнги фавкуллода воқеалардан бири бўлди. Улкан иншоотларнинг материал сунйи эканлиги ҳақидаги тахмин ҳам катта қизиқиш уяғотди.

СУРАТДА: археологларнинг топдиларидан бири.



«Буғ автомобили» сотилди

Ушбу суратдаги митти «буғ автомобили» — 1922 йил англис автомобиллигини икчирайтирилган аниқ нусхаси яқинда Стокгольмдаги ким ошди савдосида сотиб юборилди. Митти автомобиль буғ двигатели ёрдамида ҳаракат қилади, ўзининг барча параметрлари бўйича (иқтирайтирилганлигини айтмаганда) оригиналидан фарқ қилмайди. Волгачанинг ким ошди савдосидаги сўнги зарби унинг пировард баҳосининг қайд этди — англиялик коллекционерлардан бири уни 270 миң швед крони билан баҳолади. «Бу озмунча пул эмас, аммо ўйинчоқ ҳақиқатан ҳам зўр асалган» деб шарҳляйди ушбу суратни тарқатган Прессенсбильд агентлиги.



Ниқоб ҳимоя қилади

Гардандаги терракота ниқоб — ҳинд балиқчиларининг шушчани бир икчилик эмас. Улар ана шундай узига хос усул ёрдамида одамларга одатда орца томондан ҳамла қилувчи одамхўр-йўлбарсларни қўриқтиш мумкин, деб ҳисоблашади.

Ҳиндларнинг йўлбарслар ҳужумидан ўзларини муҳофаза қилишга қаратилган ана шундай эҳтиёт чорасини киришлари учун асослар етарли. Вақти-вақти билан йиртиқчиларнинг йурбони бўлган одамлар ҳақида Ҳиндистондан олинаётган хабарлар бунга ёркин далил бўла олади.

ТАСС фотохроникалари.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Алоқа министрлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
1988-1989 УҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ТАЙЕРЛОВ БУЛИМИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига тугалланган ўрта маълумотли илғор колхозчилар ва СССР Қурулди Кучлари сафларида хизмат қилиб қайтганлар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа, геология разведка ташкилотлари, совхозлар ва колхозлар ҳамда ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги йўлланмалари билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимида ўқиш учун йўлланмалар аниқ вақтда иш стажига камида 2 йил бўлган шахсларга берилади. Амалий иш стажига муайян корхона (колхоз)да ишчи ёки колхозчи вакилларидан сўнги бир йил давомида узулксиз бўлиш лозим. Тайёрлов бўлимига қабул қилишда шогирд сифатида ишлаган вақт ҳисобга олинмайди.

Ўқишга йўлланган колхозчилар йилнинг ҳар бир кватирида маънур колхоз учун белгиланган меҳнат минимуми бажарган бўлишлари зарур.

Камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, бироқ кундузги ўрта мактабни 1987 йилда тамомлаган шахслар тайёрлов бўлимига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига ариза, йўлланма /2-ёки 1,4-илова/, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат /асл нусхаси/, иш жойидан /ҳарбий қисман/ характеристика, меҳнат дафтарахисидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирма, медицина справкеси /086/V форма/, 8 дона фотосурат /3x4 см ҳажмида/.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Математика ва физика фанларидан сўхбат 20 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади, тингловчилар сафига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача бўлиб ўтади.

Тайёрлов бўлимини тамомлаб, имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг кундузги бўлими I курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

МАНШУЛОТЛАР — I ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ. УЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

ТАЙЕРЛОВ БУЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ОЙИГА 40 СЎМ МИҚДОРДА СТИПЕНДИЯ ОЛАДИЛАР. БОШҚА ШАХАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЎТОҚ ХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700087, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси 108-уй, тайёрлов бўлими декавати.

Справкалар учун телефон: 35-36-06.

МУТАХАССИСЛАР, ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЙИНИ ИНТЕГРАЦИОН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АССОЦИАЦИЯСИ (АИР)»

КОРХОНАЛАР КООПЕРАТИВ БИРЛАШМАСИДА ҚУЙИДАГИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ХОЛДА ЎЗ ИЖОДИЙ ИҚТИДОРЛАРИ ВА МОДДИЙ ЭЪТИЕЖЛАРИНИ ТУЛА ҚОНДИРА ОЛИШЛАРИ МУМКИН:

— Лойиҳачилар;
— электроника, микропроцессор ва аналогик схематика, ҳисоблаш техникаси ва системотехника бўйича конструкторлар ва технололар;
— физикалар механикалар ва химиклар;
— саноат ишлаб чиқариши, моддий таъминот экономикаси ва уни ташкил этиш бўйича мутахассислар;
— электр асбоб-ускуналари, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлари, вентиляция, тебраншиш ва шовинги, иссиқлик энергетикаси ва совутиш техникаси, технолоик асбоб-ускуналар, озиқ-овиат ва қайта ишлаш тармоқлари ва химия бўйича соловчилар ва слесарлар;
— атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассислар;
— қайта ишланган ичимлик сув таъминоти, оқова сувларни тозалаш, мембрана технологияси бўйича мутахассислар.

15 ОКТЯБРЬ СОАТ 10 ДАН 15.00 ГАЧА ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УИИДА МУТАХАССИСЛАР КОНКУРСЛИ РЎХХАТГА ОЛИНАДИ.

Ихтирочилар ва рационализаторларнинг авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш қалолати берилди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй (шаҳар транспорти билан «Революция хибони» бекатигага борилади).

Справкалар учун телефонлар: 33-43-59, 54-04-11.

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАХЪБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари давлат комитетининг

ТОШКЕНТ НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОШҚАРМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ БОШҚАРМАСИНИНГ

ТОШКЕНТ АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯЛАРИ ВА МАХСУС АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ ТУГАТИЛДИ

Барча саволлар юзасидан тегишли тартибда қайта ташкил этилган Тошкент «НЕФТЕПРОДУКТ» ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Справкалар учун телефонлар: 91-30-41, 91-19-42, 91-30-12.

ТОШКЕНТ «НЕФТЕПРОДУКТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОшкент давлат маданият институти ренотрати, партиа, кнсаба союа ва комсомол ташкилотлари хор директорлнги кафедрасининг катта ўқитувчиси Суннатхўжа ХУНАЕВНИНГ вафот этганини чуқур қайту билан билдириб, мархумнинг оила аъзоларига таяния изхор қилади.

2-Тошкент индустриал-педагогика техникуми коллективни техникум ходими А. Волтаева отаси

Вола ТУРУСОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таяния изхор қилади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективни музей ходими С. Мухаммаев доғва онаси

Матлуба ЛУТУФУЛЛАЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таяния изхор қилади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективни музей ходими М. Файзиёвага онаси

Қутубниссо КАМБАРОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таяния изхор қилади.

Тошкент давлат маданият институти ренотрати, партиа, кнсаба союа ва комсомол ташкилотлари хор директорлнги кафедрасининг катта ўқитувчиси Суннатхўжа ХУНАЕВНИНГ вафот этганини чуқур қайту билан билдириб, мархумнинг оила аъзоларига таяния изхор қилади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективни музей ходими М. Файзиёвага онаси

Қутубниссо КАМБАРОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таяния изхор қилади.